Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 30 август, № 179 (9350) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди 29 август куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



«Тошкент-Ҳумо» халқаро аэропортида Ҳиндистон Бош вазирини давлатимиз раҳбари кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар юқори даражадаги сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг изчил кенгайиб бораётгани билан ажралиб туради. Икки томонлама муносабатлар йилдан-йилга янги мазмун билан бойиб, стратегик шериклик тамойиллари асосида барқарор ривожланмоқда.

Ҳиндистон Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда расман тан олган. Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 18 мартда ўрнатилган.

Шу куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида «Янги Ўзбекистон» боғига ташриф буюрди.

Анъанага кўра, олий мартабали меҳмон Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Мамлакатимизнинг ўтмиши ва порлоқ келажаги ўртасидаги узвий боғлиқликни ифодаловчи Мустақиллик монументи юртимизда юксак маънавият ҳамда эзгу қадриятлар қарор топганидан далолат беради. У Ватанимизнинг теран тарихий илдизлари ва улкан тараққиёт салоҳиятини яққол намоён этувчи юксак тимсолдир.

Мажмуада халқимизнинг кўп асрлик тарихи, буюк алломаларимиз ва жаҳонгир аждодларимизнинг сиймолари, юртимиз тараққиётидаги муҳим воқеалар ўз ифодасини топган. Монумент чўққисидаги Ҳумо қуши озодлик ва эзгулик ғояларини, халқимизнинг олийжаноб орзу-интилишларини ифода этади.

Мажмуа билан қисқача танишув давомида ушбу меъморий ансамблнинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берилди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 30 август куни бўлиб ўтади.

Бўлажак музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон — Ҳиндистон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Тизимли сиёсий мулоқот ва маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш, савдо, энергетика, кимё, геология, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида аниқ дастурлар ва кооперация лойиҳаларини илгари суришга устувор эътибор қаратилади.

Халқаро сиёсат ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари ҳамда кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилади.

Учрашув якунида икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўпламини имзолаш кўзда тутилган.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Халқаро анжуман

ГЛОБАЛ МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ҚАДАМ

Шу йил 4 — 6 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Парламентлараро Иттифоқ ҳамкорлигида “Мураккаб даврда инсон ҳуқуқлари, адолат ва инсон қадр-қимматини тиклаш йўлида” мавзуида Ёш парламент аъзоларининг XII глобал конференцияси ташкил қилинади.

Халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ёшларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги фаол иштирокини кенгайтириш, уларнинг парламент фаолиятидаги ролини кучайтириш, ёш авлод вакиллари ўртасида глобал мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган муҳим ташаббусларнинг амалий ифодаси ҳисобланади.

Унда 183 мамлакат, 15 та халқаро ташкилот вакиллари ҳамда 50 га яқин доимий кузатувчилардан иборат 300 га яқин иштирокчилар қатнашиши кутилмоқда. Уларнинг орасида ёш парламент аъзолари, парламент раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари бор. Анжуманда ёш парламент аъзолари замонавий дунёда дуч келаётган долзарб муаммоларни муҳокама қилади, адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, шунингдек, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ёшларнинг ролини ошириш масалалари юзасидан фикр ва тажриба алмашади. Шунингдек, конференция доирасида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро ҳамкорликка бағишланган III глобал форум ҳам ташкил этилади.

Бугунги кунда дунёда жадал ўзгаришлар, янги хавф ва таҳдидлар кузатилаётган бир шароитда ёшларнинг қарор қабул қилиш жараёнларидаги иштирокини таъминлаш, салоҳияти ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тобора муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, мазкур конференция ёш парламент аъзолари учун нафақат тажриба ва фикр алмашиш, балки аниқ ташаббусларни илгари суриш ҳамда амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун асосий халқаро майдон ҳисобланади.

Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган ушбу нуфузли халқаро анжуман Ўзбекистоннинг парламентлараро мулоқотни ривожлантириш, ёшлар дипломатиясини қўллаб-қувватлаш ва глобал ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги фаол позициясини намоён этади.

«Халқ сўзи».

Мустақиллигимизнинг 35 йиллигига

ОЗОД ЮРТДА БАХТИЁР УСТОЗЛАРМИЗ

Инсон ўтган ҳаёт йўлига назар ташлар экан, шу кунгача нималарга эришгани ва нималарга улгурмагани хусусида ўйлаши муқаррар. Жонажон Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида таълим соҳасида қандай натижаларга эришганлигимизни оддий бир педагог назари билан мухтасар сарҳисоб қилиш ва албатта, ушбу ютуқларни мустақилликдан олдинги давр билан таққослашни лозим топдим.

Мустақиллик эълон қилинишидан чамаси икки-уч йил олдин, эндигина иш фаолиятимни бошлаган кезлар шаҳримизда биттагина янги мактаб қурилди. Лекин бу мактаб янги бўлса ҳам, унинг моддий-техника базаси мақтанарли аҳволда эмас, шароитлари ҳаминқадар эди. Ёдимда қолгани кўп нарсаларни ўз кучимиз билан қилишга мажбур бўлгандик.

Бугунги мактабларнинг — янгиларининг ҳам, эскиларининг ҳам суратию сийрати ўзгача: бинолар ҳам, моддий-техник база ҳам замон талабига мос. Чунки уларнинг қурилиши, зарур жиҳозлар билан таъминланиши учун давлатимиз зарур маблағни аямаяпти. Ўтган йили Сирдарё вилоятида 47 та мактаб, 46 та болалар боғчаси тўлиқ таъмирланди, янгилари қурилди. Жорий йилда ҳам таъмирлаш ва қурилиш ишлари олиб борилаётган мактаб ва боғчалар сони бундан кам эмас.

Боғчалар ҳақида гап кетганда, бир ачинарли ҳолат кўнгилни хижил қилади. Негаки, мустақиллик арафаси ва унинг илк йилларида минглаб боғчалар ёпилиб, аксариятининг бинолари сотиб юборилганди. Бу эса болаларнинг боғчаларга қамрови 7 фоизгача тушиб кетишига сабаб бўлди. Бугун Президентимизнинг таълим йўналишидаги узоқни ўйлаб амалга ошираётган ислоҳотлари боис боғчалар сони кўпайиб, қамрови кенгаймоқда. Ўтган ўн йил давомида болалар учун билимлар пойдевори бўлган минглаб мактабгача таълим ташкилотлари бунёд этилди ва қисқа вақт ичида қамров қарийб 80 фоизга етди.

Қирқ йиллик педагогик фаолиятимга таяниб айтсак, мамлакатимиз таълим тизимида ўтган даврда ютуқлар билан бирга, баъзи муаммолар ҳам бўлди. Хусусан, мустақилликка эришган илк йиллар маошлар пастлиги туфайли қанча билимли, айниқса, оиласининг асосий боқувчиси бўлган эркак муаллимлар мактабни тарк этди. Ўшанда бу қанчалар оғир оқибатларга олиб келишини биз, педагоглар юракдан ҳис қилардик. Яъни моддият устун келиб, таълим иккинчи даражага тушиб кетган йилларнинг гувоҳи бўлдик.

Сўнгги ўн йилда эса таълим тараққиёти учун катта имкониятлар яратилди. Энг биринчи эътибор муаллимнинг меҳнатини моддий ва маънавий томондан қадрлашга қаратилди. Унинг малакаси ва маҳорати рағбат топди.

➡2

Халқ иродаси — қонун — натижадорлик:

35 ЙИЛЛИК ПАРЛАМЕНТАРИЗМ САБОҚЛАРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган Янги Ўзбекистон тараққиёт йўлининг улуғворлиги, бунёдкорлик руҳи ва халқимиз эришаётган ютуқлардаги беқиёс аҳамиятини йиллар ўтган сари янада теранроқ англамоқдамиз. Янги Ўзбекистон фалсафаси нафақат кенг кўламли ислоҳотларнинг асоси, балки миллий тараққиётнинг янги тафаккурини шакллантирган, бугунги эришилган марраларга етаклаган халқчил стратегия эканини вақтнинг ўзи исботламоқда.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратайлик!” деган эзгу ғоя асосида нишонланаётгани ҳам бежиз эмас. Бу ғоя Янги Ўзбекистон тараққиёт фалсафасининг мазмун-моҳиятини, халқ ва давлатнинг ягона мақсад сари интилишини ўзида мужассам этган.

Президентимиз мустақилликнинг 35 йиллигига бағишланган нутқида таъкидлаганидек, ўттиз беш йиллик мустақил тараққиёт йўли бизга бир ҳақиқатни ўргатди: халқ ва давлат ягона мақсад йўлида бирлашиб, астойдил ҳаракат қилса, забт этиб бўлмайдиган марраниг ўзи йўқ.

Кимки замондан илгарилаб фикрлай олса, келажакни яратади, кимки кечаги андозалар билан яшаса, тарих изидан эргашишга маҳкум бўлади. Президентимиз Янги Ўзбекистон ғояси орқали тараққиётнинг энг муҳим қонуниятини амалда намоён этди: буюк ўзгаришлар, аввало, тафаккурдан бошланади.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ана шу янгича тафаккурнинг амалий ифодасидир. Давлат ва жамият бошқарувида очиқлик, ҳисобдорлик, қонун устуворлиги, инсон қадри ва ҳеч кимни муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслик тамойиллари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий пойдевори

Бугун миллий парламентаризм тарихига фақат қонунлар сони ёки парламентнинг ташкилий тузилиши нуқтаи назаридан қараб бўлмайди. Унинг ҳақиқий мазмуни — халқ иродасининг давлат қарорларига айланиш механизми қандай ўзгарганида намоён бўлади.

➡3

Аграр соҳадаги ислоҳотлар:

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МИЛЛИЙ СУВЕРЕНИТЕТ ПОЙДЕВОРИ

Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллик қутлуғ айёмини юксак кўтаринкилик ва салмоқли ютуқлар билан кутиб оляпмиз. Ортда қолган шонли йўл — бу нафақат давлатчилик асосларининг мустаҳкамланиши, балки халқимизнинг фаровон ва муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш йўлидаги буюк трансформация даври бўлди, десак, айни ҳақиқат.

Таҳлил

Ҳар қандай мустақил давлатнинг барқарорлиги ҳамда суверенитети, аввало, унинг озиқ-овқат хавфсизлиги билан ўлчанади. Зеро, ўз аҳолисини сифатли, арзон ва етарли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмаган мамлакатнинг ташқи хатарларга қарши чидамлилиги ҳақида гапириш мушкул. Шу нуқтаи назардан, сўнгги йилларда юртимизда аграр соҳада амалга оширилган туб ислоҳотлар мамлакатимиз озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашнинг мустаҳкам кафолатига айланди.

➡4

Ўзбекистон саёҳат учун дунёнинг энг яхши йўналишлари бешлигида!

Нуфузли халқаро сайёҳлик платформаси — «Much Better Adventures» эълон қилган «Solo Travel Index 2026» рейтингида Ўзбекистон мустақил саёҳатлар учун дунёнинг энг яхши йўналишлари бешлигидан жой олди.

Рейтингни шакллантиришда сайёҳларнинг таассуротлари, “Глобал Peace Index”, виза олиш қулайлиги, овқатланиш харажатлари, ранг-баранглик ҳамда пиёда саёҳат йўналишларининг мавжудлиги каби мезонлар ҳисобга олинган.

Платформа Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўли мероси, бой тарихий-маданий салоҳияти, табиий ландшафтлари ва ривожланган туризм инфратузилмасини асосий устунликлар сифатида қайд этган. Хусусан, Нурота тоғларида қадимий сўқмоқлар бўйлаб саёҳат қилиш, маҳаллий қишлоқлар ҳаёти билан танишиш, анъанавий ўтовларда тунаш ҳамда Қизилқум орқали Айдаркўлга бориш имкониятлари алоҳида кўрсатилган.

Шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа тарихий шаҳарлар Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўли чорраҳасидаги беқиёс тарихий ва маданий меросини намоён қилувчи муҳим сайёҳлик масканлари сифатида қайд этилган.

Мазкур халқаро эътироф Ўзбекистоннинг жаҳон туризм харитасидаги мавқеи мустаҳкамланиб, мамлакатнинг тарихий мерос, табиат ва замонавий сайёҳлик имкониятларини уйғунлаштирган истиқболли йўналиш сифатидаги нуфузи тобора юксалиб бораётганини яққол намоён этади.


«Халқ сўзи».

Эътироф



Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 30 август

ОЗОД ЮРТДА БАХТИЁР УСТОЗЛАРМИЗ



1 Айни омиллар туфайли соҳага янгича таълим бериш салоҳиятига эга, чуқур билимли педагог кадрларнинг янги авлоди кириб келди. Эътиборлиси, эркак ўқитувчилар яна мактабга қайтди. Чунки бугун нафақат бизнеси каби ихтисослаштирилган мактабларнинг, балки оддий умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари ҳам 10 миллион сўм ва ундан юқори миқдорида маош олиш имкониятига эга бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан яратилган ўзига хос, уникал таълим тизими эса бугун кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлмоқда. Мактабгача таълимдан тортиб, олийгоҳ ва илмий даражага эришгунга қадар бўлган тизимда ўзаро боғлиқликни таъминлаш — бу натижадорликка қаратилган самарали ислоҳот. Шунингдек, иқтидорли болаларга юқори даражада таълим бериш, уларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва юксалтириш, дунё миқёсида малакали кадрларни етиштириш мақсадида ташкил этилган Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг самарали натижаларига, ўқувчилар эришаётган ютуқларга бугун кўплаб мамлакатлар ҳавас билан қараётгани сир эмас.

Масалан, бизнинг Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабига хориждан касбдошларимиз тез-тез келиб туришади ва улар ҳам истеъдодли ўқувчилар учун яратилган имкониятларни эътироф этаётир.

Ҳозирда ижод мактаблари минглаб ўғил-қизлар учун бир вақтнинг ўзида таълим олиш ҳамда ўзлари қизиққан ижодий йўналиш бўйича маҳоратларини ошириш учун имкониятлар маскани бўлиб хизмат қилмоқда. Ўнлаб ўқувчиларимиз адабиёт, театр санъати, журналистика ва бошқа ижодий йўналишларда катта ютуқларга эришмоқда.

Уларнинг китоблари чоп этилиши, турли танлов ва олимпиадаларда муваффақиятли иштироки учун рағбатлантирилиши ёш ижодкорларнинг ўз устида ишлаши ва интилишига қанот бағишлаётир. Мисол учун, ўқувчилик давридан теран шеърлари билан устозлар эътиборини қозонган, бу йил адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби бўлган ҳамда имтиёзли равишда Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалигига қабул қилинган Зулҳаё Мингбоева ана шулардан бири. Ёки мактабимизнинг драма тўгараги аъзолари “Театр — ибратхона” шиори остида ўтказилган танловнинг республика босқичида кетма-кет иккинчи йил биринчи ўринни эгаллади. Жорий йилда улар ғолиб сифатида Хитой давлатида бўлиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлишди.

Бу йил бешинчи бор битирувчиларни кузатдик. Беш йилдирки, барча битирувчиларимиз нуфузли олий ўқув юртларининг талабаси бўлмоқда. Улар орасида жаҳоннинг нуфузли университетларида ўқиётганлари ҳам бор.

Шуни мамнуният билан айтаманки, бугун энг замонавий шароитларга эга, ҳатто ривожланган мамлакатларнинг ҳавасини келтираётган мактабларда ишлаб, ёш авлодга таълим бераётганимиз — биз, ўқитувчилар учун мустақиллигимизнинг энг катта туҳфаларидан бири. Ва албатта, ҳар жиҳатдан жадал тараққий этаётган Ўзбекистонимиз бахтиёр болаларининг бахтиёр устозлари эканимдан фахрланамиз.

Покиза АҲМЕДЖОНОВА,
Сирдарё вилоятидаги Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Депутат минбари

ЭЛ ИШОНЧИ – ШАРАФЛИ МАСЪУЛИЯТ

Кечагидек эсимда, мустақиллик эълон қилинган пайтда йигирма ёшдаги навниҳол талаба эдим. Улғайиб катта ҳаётга қадам ташлашим, бой тажриба орттиришим айнан мустақиллик йиллари билан баробар кечди. Орадан ўтган ўттиз беш йил бир инсоннигина эмас, катта бир авлоднинг камол топиши учун етарли муддат бўлди, деб ўйлайман. Бу йиллар давомида мамлакатимиз асрий синовларни мардонавор енгиб ўтиб, ўз истиқбол ҳамда тараққиёт йўлини белгилади. Давлат, миллат ва халқ сифатида бирлашди, залворли тарих яратди.



Мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ ўттиз беш йиллигини кутиб олар эканмиз, мен уни ўтмишдан сабоқ чиқариш, эришилган натижаларни холис баҳолаш ва келажакдаги мақсадларимизни белгилаш фурсати, деб биламан.

Давлат ташкилотларида турли лавозимларда меҳнат қилиб келяпман. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати сифатида мана, қарийб ўн йилдирки, одамлар орасидаман. Айнан депутатлик мени халққа, халқни менга яқинлаштирди, улар билан бир тану бир жон бўлишга, шу азиз Ватан равнақи йўлида бирлашишга ундади. Халқ ичида юриб, ютуғию муаммолари билан юзлашиб, яхши-ёмон кунларида елкадош бўлиб, фарзандлик, фуқаролик бурчимни янада ҳис этдим. Мен халқ вакили бўлган Музработ тумани 7-Янгиобод сайлов округидаги ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон, ҳар бир фуқаро яхши таниш. 16 та маҳалла ва қишлоқ, 29 975 нафар сайловчини қамраб олган ушбу ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ободонлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида, оз бўлса-да, ҳисса қўшиб келяпман.

Албатта, ҳудуд ўзига хос ижтимоий-иқтисодий муаммолардан холи эмас. Асосан, шоли етиштириш ва чорвачиликка ихтисослаштирилган туманда саноат ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни камайтириш, ижтимоий реестрдаги оилалар билан манзилли ишлаш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш орқали доимий бандликка жалб этиш, шу билан бирга, йўл таъмири, электр, газ, сув таъминоти, мактаблар ва шифохоналар ҳолатини янада яхшилаш, янги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш каби ишлар кутиб турибди.

Масалан, ўрганишларимиз натижасида Гулобод маҳалласида замонавий давлат мактабгача таълим ташкилотига эҳтиёж борлиги аниқланди. Депутатлик сўрови орқали масала мутасаддиларга етказилди. Айни пайтда умумий қиймати 3 млрд. 794 млн. сўмни ташкил этадиган 90 ўринли муассаса қурилиши авжида. Ваколатимиздан фойдаланиб, қурилиш жараёнининг шаффофлигини мунтазам назорат қилиб боряпмиз. Объект фойдаланишга топширилгач қамров кенгайибгина қолмасдан, жажжи кичкинтойлар учун замонавий ва сифатли мактабгача таълим олиш имконияти яратилади.

Яқинда Янгиер маҳалласидан мурожаат тушди. Унда айтилишича, Президентимизнинг 2024 йил 28 мартдаги қарори асосида Ислом тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган “Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш” лойиҳаси доирасида ушбу маҳаллада кенг кўламли инфратузилма ишлари режалаштирилган. Жумладан, 1 км. пиёдалар йўлакчаси қуриш ва энерготежамкор тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш, 19,5 км. асосий ва ички йўлларни асфальтлаш, 30 км. электр тармоқларини мукаммал таъмирлаш, 250 кВА қувватга эга 4 та трансформатор ўрнатиш ҳамда 3 та пиёдалар учун осма кўприк қуриш кўзда тутилган. Бироқ айрим сабабларга кўра, бу ишлар тўхтаб қолган. Депутатлик сўрови натижасида режалаштирилган ишлар жадаллашди. Маҳалланинг 15 километрдан ортиқ ички йўлларига асфальт ётқизилди. Бу қулай транспорт ҳаракати, инфратузилмани яхшилаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Деҳқонобод маҳалласининг Қалдирғоч кўчаси ёқалаб зовур ўтган ва унинг нариги томонида 10-умумтаълим мактаби жойлашган. Ушбу кўчада истиқомат қилувчи 100 нафардан зиёд ўқувчилар зовур устидаги омонатгина қувурдан ўтиб мактабга қатнайди. Бошқа кўчалар орқали бориш эса кўп вақт олади. Аҳоли мурожаатидан келиб чиқиб, мутасаддиларни вазиятдан хабардор қилдим. Кўприк қуриш ишлари режалаштирилди.

Эҳтимол, ким учундир булар жуда кичик масалалар бўлиб туюлар? Аммо ишонаманки, депутат учун муаммонинг катта ёки кичиги бўлмайди. Чунки ҳар бир мурожаат ортида нафақат бир, балки ўнлаб юртдошларимиз тақдири бор. Таъмирланган бир неча километрлик йўл одамларнинг вақти тежалишига, ҳал этилган ичимлик суви муаммоси ўнлаб оилаларнинг турмуш сифати яхшиланишига хизмат қилса, ёшларга берган кўмагимиз уларнинг келажагига, ободонлаштирилган манзиллар эса юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончига замин яратади.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, сўнгги йилларда мамлакатимизда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган долзарб масалаларни ҳал қилишдаги ваколатлари кенгайтирилиб, кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Бош қомусимизда ҳам маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бири-биридан ажратилди. Бугун “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили изчиллик билан рўёбга чиқарилаётир.

Бундай имкониятлар биз, маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасига янада катта масъулият юклайди. Бугун ҳар бир фуқаронинг овози эшитиладиган, ҳар бир депутат эса ўша овозни амалга оширадиган тизим шаклланмоқда. Энг муҳими, халқ ва ҳокимият ўртасидаги масофа қисқаряпти.

Донолар айтганидек, “Эл сенга ишонса, тоғни ҳам кўтарасан”. “Йил танлови — 2022” республика босқичида 114 мингдан ортиқ овозлар билан “Йилнинг энг фаол вилоят Кенгаши депутати” йўналишида ғолиб бўлдим. 2024 йилда давлатимиз раҳбари Фармонига кўра, “Дўстлик” ордени билан мукофотландим. Бу катта ишонч халқимиз фаровонлиги, юртимиз равнақи йўлида фидойи меҳнат қилишга ундайди.


Дилфуза ЖЎРАЕВА,
Сурхондарё вилояти давлат архиви директори, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

ДОРИЛАМОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш — халқимизга хос юксак фазилат. Ана шу эзгу анъанага ҳамоҳанг равишда Президентимиз фармонига биноан Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида юз ёшдан ошган бир гуруҳ нуронийлар “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

Шукуҳ

Айни кунларда мазкур мукофот жойларда ўз эгаларига тантанали равишда топширилмоқда.



Хусусан, Қўштепа туманига қарашли “Халқобод” МФЙда истиқомат қилувчи 102 ёшли Ибохон ая Қосимова ана шундай шарафга муносиб кўрилди. Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров фаоллар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан бирга онахон истиқомат қилаётган хонадонда бўлиб, ушбу давлат мукофотини Ибохон аяга тантанали равишда топширди.

Ибохон ая давлатимиз раҳбарининг бундай юксак эътиборидан боши кўкка етиб, юртга тинчлик, элга омонлик тилаб дуолар қилди.

Таъкидлаш ўринлики, Ибохон Қосимованинг ёшлиги ўтган асрнинг энг қийин ва оғир йиллари, Иккинчи жаҳон уруши даврларига тўғри келди. Фронт ортида меҳнат қилиб, ўзининг ҳаракатчанлиги ва меҳнатсеварлиги туфайли эл-юртда ҳурмат қозонди.

Шунингдек, онахон Катта Фарғона каналини қазиш, чўл-дашт ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фаол иштирок этди. Ҳаётнинг кўп яхши-ёмон кунларини бошидан кечирган бўлишига қарамай 4 нафар фарзандни элга муносиб инсонлар қилиб камолга етказди. Пиру бадавлат хонадон соҳиби бугунги кунда 16 невара, 36 эваранинг ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

— Бу фақат менинг эмас, бутун оилам, маҳалламнинг мукофоти, — дейди меҳмонлар ташрифидан беҳад севинган онахон. — Чунки доимо шу инсонларнинг меҳри, ёрдамидан куч оламан, ҳаётга, яшашга иштиёқим ортади. Президентимизнинг менга мукофот берганини эшитиб, қалбимда дориламон кунлар шукронаси жўш урди. Бошимдан ўтган қийинчиликлар унутилди. Бу юртда ҳалол меҳнат қилган, яхши фарзандлар тарбиялаган инсон ҳамиша давлатимизнинг эътиборида эканини ҳис қилдим. Президентимизга, барча-барчага раҳмат, бошларинг омон бўлсин!

Чиндан-да, пиру бадавлат кексаларимиз нафақат оила файзи, балки миллат бойлиги, жамият ютуғи, элнинг фахридир. Башарти сўз фаровонлик ва кексалик хусусида бораркан, инсон манфаатлари давлат манфаатидан-да устун белгиланган юртимизда ўртача умрнинг йил сайин ошаётгани диққатга молик. Боиси мустақиллик йилларида аҳолининг ўртача умри роса тўққиз йилга кўпайиб, бу ҳар тўрт йилда бир йилга ортди, деганидир.

Биргина Навоий вилоятида бугун кексалик гаштини сураётганларнинг 400 нафардан ортиғини 91 ёшдан 100 ёшгача бўлган отахону онахонлар, қарийб ўттиз нафарини эса юздан ошган бобо-бою момолар ташкил этади.

Хатирчи туманининг Самарқанд маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳаким ота Ражабов ҳам умрининг 103 йилида ёшига нисбатан анча тетик. “Ҳаёт аталмиш буюк воқеликда чиндан ҳам тирикликдан улуғроқ неъмат, унинг мазмундорлигидан теранроқ бойлик йўқ”, дейди бобо шукроналик билан.

— Биз, кексалар биргина эътиборнинг садағасимиз. Қувончни самимий шукроналикда деб биламиз, — дейди Ҳаким ота. — Шундай шарофатли ҳаёт, албатта, бизнинг кучимизга куч қўшади. Ўтказаётган кунларимизга маъно-мазмун беради.

Ҳаким бобо ўтган асрнинг энг мураккаб даврларида, Иккинчи жаҳон уруши пайтидаги қаҳатчилик йилларида ҳамқишлоқлари билан бирга ғалла, пилла, чорва маҳсулотлари етиштириш борасида эрта тонгдан кечгача фидокорона меҳнат қилиб, эл-юрт фаровонлиги йўлида ўзининг куч-ғайратини аямаган табаррук инсонлардан. Кейинчалик у ҳаётини қишлоқ хўжалиги билан боғлаб, то пенсияга қадар сувчилик касбига содиқ қолган. Бой ҳаётий тажрибага эга отахон ҳозирги кунда ҳам ёшлардан, маҳалладошларидан ўз маслаҳатларини аямайди. Уларни ғайратли, шижоатли, эзгу ишларга бош бўлишга чорлаб, бугунги дориламон кунларга шукрона келтиради.



Давлатимиз раҳбари олиб бораётган одилона сиёсатдан фахрланади. Маҳалладошларини тўй-маъракаларни камчиқим, исрофгарчиликка йўл қўймасдан ўтказишга, шукроналик ҳисси билан яшашга ундайди.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Фармонига кўра, бир гуруҳ юртдошларимиз қаторида Ҳаким бобо Ражабов ҳам “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

Мазкур давлат мукофотини отахонга Навоий вилояти ҳокими Нормат Турсунов топшириб, байрам билан қутлади.

Самимий суҳбат давомида узоқ умр кўриш сирлари, ҳаёт сабоқлари ва бугунги осуда кунлар ҳақида дилдан гурунг қурилди. Эҳтиромдан боши осмонга етган отахон юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва осойишталиги учун дуолар қилди.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ — АСОСИЙ МЕЗОН

— Эртанги тадбирга вақтида етиб боринг!

Одатий иш кунини якунлаётган Зилола Шукуровага маҳалла раисининг бу гапи худди “Кечикиш учун энди аввалгидай транспорт сабаб бўлмайди”, дегандек эшитилди.

— Хайрият-е, — ўйлади у уйига қайтар экан. — Энди вилоят марказига бориш учун аввалгидек узоқ вақт машина кутиш, биргина йўлнинг ўзига бир ярим соатлаб вақт сарфлаш керакмас. Шу транспорт муаммоси туфайли неча маротаба хизмат йиғилишларига кеч қолган, меҳнат интизомига риоя қилиш ҳақида танқид эшитган пайтларим бўлди-я...

Маҳаллий Кенгашларда

Дарвоқе, кўзланган манзилга вақтида етиб бориш, режалаштирилган ишларга улгуриш кўп жиҳатдан қулай транспорт воситасига боғлиқ. Аммо Когон тумани Ҳукуматобод ва Геофизика маҳаллалари аҳолиси учун бу қулайлик анчадан бери ушалмас орзудай эди. Олти ярим мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган мазкур ҳудудларни вилоят маркази билан тўғридан-тўғри боғлайдиган жамоат транспорти йўқлиги туфайли йўл юриш ёшу қарига бирдек мушкуллик туғдирарди.

— Қарийб йигирма йилдирки, Ҳукуматобод маҳалласида комплекс хизмат кўрсатувчи ходим сифатида фаолият юритаман, — дейди суҳбатдошимиз Зилола Шукурова. — Бухоро шаҳридан 12 км. узоқликда жойлашган маҳалламиздан бирор юмуш билан марказга боришга тўғри келса, Геофизика — Ҳукуматобод йўналишидаги қишлоқ таксиларидан кейин яна бир ёки иккита транспортга чиқишга тўғри келарди. Уларнинг ҳам мунтазам қатнамаслиги вазиятни янада қийинлаштирарди. Бу ҳолат кўп вақтни олиш билан бирга, ҳар куни маҳалламиздан марказга қатнаб ўқийдиган 600 нафарга яқин ўқувчилар, талабалар, 1200 дан зиёд ишчи-хизматчилардан анча-мунча маблағ ҳам талаб этарди. Энди қишнинг қор-қировли, ёзнинг жазирама иссиқларидаги ҳолатни ўзингиз тасаввур этиб кўринг... Жорий йилнинг июль ойидан барча қулайликларга эга, замонавий русумдаги 4-автобус қатнови йўлга қўйилди. Бундан халқимиз жуда хурсанд. Натижада йўлкира харажатлари сезиларли камайиб, манзилга етиб бориш осонлашди, иш ва ўқишга кечикиш ташвишиям барҳам топди.

Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Дастлаб маҳалла аҳолиси депутатлар билан учрашувда ушбу масалани кўтариб чиқди. Шундан сўнг халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Зулфия Туева ва туман Кенгаши депутати Анвар Асадов томонидан ушбу муаммони бартараф этиш бўйича мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди. Шу тариқа Геофизика ва Ҳукуматобод маҳаллаларига автобус қатнови йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда замонавий қулайликларга эга 5 та автобус одамларнинг узоғини яқин қилмоқда. Яқин кунларда улар сонини 15 тага кўпайтириш режалаштирилган. Айни пайтда қатновлар орасидаги вақт тахминан 10 — 15 дақиқани ташкил этса, тез орада 5 — 7 дақиқага қисқариши кутиляпти.

Аслида ҳам сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудлардаги муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимига эришиш маҳаллий Кенгаш депутатларининг муҳим вазифаларидан бири. Депутатлик сўровлари орқали давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан таъсирчан депутатлик назоратини амалга ошириш, долзарб масалаларни мутасадди ташкилотлар олдига қўйиш ва уларнинг ижроси юзасидан қатъий назорат олиб бориш имкони бор.

Когон туманида ҳам олиб борилаётган тизимли ишлар сабаб, депутатлик назорати амалда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари Когон тумани Кенгаши депутатлари томонидан туман ҳокимлиги, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига жами 85 та депутатлик сўрови юборилди. Мазкур сўровларнинг 59 таси ижобий ҳал этилиб, 26 та мурожаатда кўтарилган масала давлат дастурлари доирасида босқичма-босқич амалга оширилиши режалаштирилган. Бу эса бирорта ҳам депутатлик сўрови беэътибор қолмаётгани, ҳар бир мурожаат қонунчилик асосида кўриб чиқилиб, ижроси назорат қилинаётганини кўрсатади. Халқ депутатлари Когон тумани Кенгашида фаолият юритаётган 20 нафар депутат туманнинг 23 та маҳалласига масъул, улар ўз сайлов округларида фуқаролар билан мунтазам учрашувлар ўтказиб, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни ўрганиш, мурожаатларни тинглаш ва аниқланган муаммолар юзасидан депутатлик сўровлари юбориш орқали халқ манфаатларини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Депутатлик сўровларининг самарадорлиги амалий мисолларда яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, туман Кенгаши депутати Инобат Ҳамидова Сиёз Поён ва Шўробод қишлоқларини боғловчи йўлнинг носозлиги юзасидан юборган депутатлик сўрови натижасида 3 км. автомобиль йўли тўлиқ асфальтлаштирилди. Халқ депутатлари Когон тумани Кенгаши раиси Ҳурмат Турсуновнинг депутатлик сўрови натижасида Тун Ироқ маҳалласининг марказий кўчасидан 15-умумтаълим мактабига борувчи йўл четида замонавий пиёдалар йўлакчаси барпо этилди.

Ёки Депутат Йўлдош Бозоров томонидан туман йўл қурилиш унитар корхонаси ҳамда туман сув таъминоти бўлимига юборилган депутатлик сўровлари сабаб Беклар маҳалласида 3,5 км. ички йўл таъмирланиб, 1,5 км. янги ичимлик суви тармоғи тортилди. Яна бир халқ вакили Умиджон Қурбоновнинг Чолоки маҳалласида мактабгача таълим муассасасига бўлган эҳтиёж бўйича депутатлик сўрови туфайли янги давлат мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Депутат Дилдора Муродова томонидан Сарайон маҳалласидаги ички йўлларнинг таъмирталаб ҳолати бўйича депутатлик сўрови асосида ички кўчалар асфальт қилинди.

— Депутатлар фаолияти доимий тарзда мувофиқлаштирилиши, мурожаатларни ўрганиш, улар юзасидан депутатлик сўровларини тайёрлаш ва ижросини назорат қилиш ишларининг мунтазам таҳлил этиб борилгани боис, мазкур ишларнинг ижобий натижадорлиги ўтган йилдагига нисбатан 17,5 фоизга ошди, — дейди халқ депутатлари Когон тумани Кенгаши котибият мудири Алишер Бозоров. — Чунки депутатлик сўрови шунчаки расмий ҳужжат эмас. У фуқаролар мурожаатини амалий ечимга айлантирадиган, давлат органлари фаолиятининг масъулиятини оширадиган, энг муҳими, ҳудудларни ривожлантиришга хизмат қиладиган самарали ҳуқуқий восита. Депутатлик назорати натижасида халқимиз манфаатлари таъминланиб, сайловчиларнинг давлат органлари ҳамда маҳаллий Кенгашларга ишончи янада мустаҳкамланса, бу бизнинг энг катта ютуғимиз бўлади.

Таъкидлаш керакки, халқ ишончини қозонишнинг энг муҳим омили аҳоли муаммоларига бефарқ бўлмаслик ва уларни амалда ҳал этишга эришишдир. Чунки ҳар бир ижобий ҳал қилинган депутатлик сўрови ортида минглаб фуқароларнинг ишончи, маҳаллалар ривожи, пировардида эса жамият равнақи, юрт тараққиёти мужассам.

Дилноза ҲАЙИТОВА
(«Халқ сўзи»).

АҚШда Сиэтл ва Вашингтондан кейин Орегон штати ҳамда Ситак шаҳри ҳам 2026 йил 1 сентябрни расман «Ўзбекистон Мустақиллиги куни» деб эълон қилди.

Халқ иродаси — қонун — натижадорлик:

35 ЙИЛЛИК ПАРЛАМЕНТАРИЗМ САБОҚЛАРИ

1 Ана шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон парламентаризмининг 35 йиллик тараққиётини уч муҳим босқичга ажратиш мумкин: мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш, икки палатали парламент тизимини шакллантириш ва Янги Ўзбекистонда халқчил, таъсирчан ва натижага йўналтирилган парламентаризмни қарор топтириш.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида парламент олдида оддий қонун ижодкорлигидан анча катта вазифа турган эди. Янги давлатнинг ҳуқуқий архитектурасини яратиш, ҳокимиятлар бўлиниши принципини қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш зарур эди.

1992 йилда қабул қилинган Конституция халқни давлат ҳокимиятининг ягона манбаи сифатида эътироф этиб, Олий Мажлисни қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органи сифатида белгилади. Биринчи ва иккинчи чақириқ Олий Мажлис фаолияти даврида 230 дан зиёд қонунлар қабул қилинди. Улар миллий давлатчиликнинг институционал ва ҳуқуқий пойдеворини яратди.

1994 йилда кўп партиявийлик асосида ўтказилган парламент сайловлари эса вакиллик демократиясининг муҳим сиёсий асосини шакллантирди.

2002 йилги умумхалқ референдуми миллий парламентаризм тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Референдумда қатнашганларнинг 93,65 фоизи Олий Мажлисни икки палатали парламент сифатида ташкил этиш ғоясини қўллаб-қувватлади.

Қонунчилик палатаси профессионал қонун ижодкорлиги институтига, Сенат эса ҳудудлар манфаатларини миллий даражада ифода этувчи вакиллик палатасига айлантирилди. Бу қонун ижодкорлигининг профессионаллашуви, ҳудудий манфаатларни ҳисобга олиш ва қабул қилинаётган қарорлар сифатини оширишга қаратилган институционал ислоҳот бўлди. Бироқ парламентаризмнинг энг катта ўзгариши ҳали олдинда эди.

Халқ иродасининг ҳаётга кўчиш занжири

Сўнгги ўн йиллик Ўзбекистон миллий парламентаризми тарихида алоҳида давр сифатида намоён бўлмоқда. Президентимиз Мустақиллик байрамидаги нутқида бу жараённинг моҳиятини аниқ ифодалаб, “Инсон қадри учун” ғояси давлат сиёсатининг марказига олиб чиқилганини таъкидлади.



Бу ёндашув парламентаризм мазмунига ҳам янги талаб қўйди. Эндиликда қонунларнинг қиймати уларнинг сони билан эмас, балки инсон ҳаётини қанчалик ўзгартираётгани билан ўлчанади. Агар 2009 — 2016 йилларда Қонунчилик палатаси 305 та қонун лойиҳасини кўриб чиққан бўлса, 2017 — 2025 йилларда бу кўрсаткич 1456 тага етди. Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаоллиги қарийб 5 баравар ошди, депутатларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиши эса 65 тадан 163 тага ошди. Парламентнинг 2025 — 2029 йилларга мўлжалланган Қонун ижодкорлиги дастурида 40 та муҳим қонун лойиҳаси қабул қилиниши назарда тутилгани эса парламент қонун ижодкорлигида тизимли режалаштиришга ўтганини кўрсатади.

Бироқ бу рақамларнинг ўзи мақсад эмас. Улар парламент фаолияти мазмуни ўзгараётгани ифодасидир: халқнинг муаммоси ва эҳтиёжи тобора кўпроқ парламент кун тартибига кириб, ҳуқуқий ечимга айланмоқда.

Янги Ўзбекистон парламентида халқ билан, сайловчилар билан мулоқот депутатлар фаолиятининг бош мезонига айланди. Депутатларнинг мунтазам равишда сайлов округларига чиқиши, аҳоли ва тадбиркорлар билан учрашиши, қонунларнинг амалдаги натижадорлигини ўрганиши шу янги ёндашувнинг амалий намунасидир.

Айниқса, маҳалла билан парламент ўртасидаги боғлиқликнинг кучайиши муҳим. Чунки одамларнинг кайфияти, оилалар фаровонлиги, тадбиркорларнинг ташаббуси, аввало, маҳаллада намоён бўлади. Куни кеча Президентимиз илгари сурган янги ёндашувга кўра эндиликда маҳалла жамият тараққиётининг “асосий буюртмачиси”га айланади. Бу эса халқ иродасининг давлат қарорларига айланиш занжирини янада кучайтиради: фуқаро — маҳалла — депутат — парламент — қонун — ижро — натижа.

Янги таҳрирдаги Конституция халқчил ва таъсирчан парламент фаолиятига муҳим конституциявий асос берди. Унга кўра, парламент ваколатлари сезиларли даражада кенгайди. Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари 5 тадан 12 тага, Сенатнинг мутлақ ваколатлари 14 тадан 18 тага оширилди. Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш, Давлат бюджети ижросини назорат қилиш, Ҳисоб палатаси ҳисоботини кўриб чиқиш, ҳукумат ва унинг аъзолари ҳисоботларини эшитиш, вазирлар номзодларини маъқуллаш каби муҳим ваколатларнинг Қонунчилик палатасига берилиши парламентнинг ижро ҳокимияти устидан назоратини янги сифат босқичига олиб чиқди.

Парламент назорати ҳам мазмунан ўзгарди. Бугун унинг вазифаси фақат вазир ёки идора раҳбарининг ахборотини эшитиш билан чекланмайди. Мақсад — қонунлар ижросидаги муаммоларни аниқлаш, масъуллар жавобгарлигини ошириш ва фуқаролар кўтарган масалаларга амалий ечим топиш.

Айни пайтда парламент назоратининг 18 та шакли амалиётга жорий этилган. 2018 йилда Президентимиз ташаббуси асосида “Ҳукумат соати” институтининг жорий қилиниши ижро ҳокимияти ва парламент ўртасида очиқ мулоқотнинг замонавий ва таъсирчан механизмини шакллантирди. Шу кунга қадар қарийб 70 маротаба “Ҳукумат соати” ўтказилиб, унда 77 нафар ҳукумат аъзоси депутатларнинг саволларига жавоб берган.

Бу рақамлар ортида муҳим бир ғоя мужассам — Янги Ўзбекистонда ҳукуматнинг халқ вакиллари, демак, халқ олдидаги ҳисобдорлиги амалда таъминланмоқда. Тўғрисини айтиш керак, аввалларипарламентга вазирлар у ёқда турсин, уларнинг ўринбосарларини келтириш ҳам осон иш бўлмаган. Айнан Президентимизнинг халқчил сиёсати туфайли бугун ҳукумат раҳбарияти, вазирлар ва бошқа идоралар етакчилари тизимли равишда парламентда бўлиб, ўз фаолияти ҳақида халқимизга очиқ ҳисобот ва ахборот бериб бормоқда.

Очиқ сиёсий мулоқотнинг янги мезони

Сўнгги йилларда парламент учун стратегик вазифаларни белгилаш, қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини янги мақсадларга йўналтиришда Президентнинг Олий Мажлисга йўлланадиган Мурожаатномаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Илгари мамлакат тараққиётига оид энг муҳим вазифалар, асосан, давлат идоралари кабинетларида муҳокама қилинган бўлса, Янги Ўзбекистонда бу жараён халқ вакиллари иштирокида, бутун халқимиз кўз ўнгида кечмоқда. Президент Мурожаатномаси очиқ сиёсий мулоқотнинг мутлақо янги маданиятини шакллантирди.

> *Мустақилликнинг 35 йили Ўзбекистон парламентаризмининг шаклланиш, институционаллашиш ва сифат жиҳатдан янгиланиш тарихидир. Бир палатали парламентдан икки палатали тизимга, вакиллик функциясидан таъсирчан парламент назоратига, сифатли қонунлардан уларнинг натижадорлигига, миллий даражадаги фаолиятдан глобал парламент дипломатиясигача бўлган йўл босиб ўтилди. Айниқса, сўнгги ўн йилликда Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги изчил ислоҳотлар бу жараёнга мутлақо янгича мазмун-моҳият, янгича суръат ва шиддат бахш этди. Янги Ўзбекистонда парламент том маънода халқ овозини қонунга, қонунни эса амалий натижага айлантирадиган институт сифатида қарор топди.*

Энг муҳими, Мурожаатнома депутатлик масъулиятини ҳам ўзгартирди. Эндиликда депутат фаолияти давлат раҳбари белгилаб берган стратегик вазифаларнинг ҳудудларда қай даражада амалга оширилаётгани устидан таъсирчан назоратни олиб бориш ва одамлар ҳаётида амалий натижаларга эришишга қўшган ҳиссаси билан баҳоланмоқда.

Янги Ўзбекистон парламентаризмининг энг катта сифат ўзгаришларидан яна бири — Олий Мажлиснинг халқаро парламент дипломатиясидаги ролининг кескин ошгани. Бугун Ўзбекистон парламенти Парламентлараро Иттифоқ, ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси, МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси, Осиё парламентлари Ассамблеяси ва Марказий Осиё парламентлари форуми каби нуфузли платформаларда фаол иштирок этмоқда. Парламентлараро ҳамкорлик доирасида Қонунчилик палатасида 70 та давлат парламенти билан дўстлик ва ҳамкорлик гуруҳлари тузилган.

Олий Мажлис халқлар ва давлатларнинг умумий манфаатлари асосида долзарб масалаларни ҳал этишда, тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда нафақат миллий даражада, балки халқаро ташаббуслар орқали ҳам фаол қатнашмоқда.

Бу борада Президентимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ҳамда ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтиришга оид иккита резолюция муҳим аҳамиятга эга. Бу икки резолюцияни бир нуқта бирлаштиради: замонавий парламент энди фақат қонун қабул қилувчи орган эмас, балки инсон тараққиёти ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг стратегик институтидир.

Ўзбекистоннинг парламент дипломатияси минтақавий ўлчамда ҳам янги мазмун касб этмоқда. Хусусан, 2023 йилда Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида, 2024 йилда Хивада, 2025 йилда Бишкек шаҳрида Марказий Осиё парламентлари форумлари ўтказилиши қўшни давлатлар парламентлари ўртасида мунтазам мулоқот ва амалий ҳамкорлик механизмлари изчил ривожланаётганини кўрсатади. Ушбу платформа минтақавий келишувларни қонунчилик ва парламент назорати воситалари орқали қўллаб-қувватлаш, тажриба алмашиш ва умумий манфаатларга дахлдор масалалар бўйича мувофиқлаштирилган ёндашувларни шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Рақамли парламентдан — интеллектуал тизимга

Парламент ислоҳотлари энди рақамли трансформациядан ташқарида кечиши мумкин эмас. “Project.gov.uz” ва “e-qonun.uz” платформалари қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва парламентда кўриб чиқиш жараёнларини рақамлаштиришга хизмат қилмоқда. Қонунчилик палатасида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш сайловчилар билан мулоқотни кучайтириш, ҳуқуқий коллизияларни аниқлаш, қиёсий таҳлил ўтказиш, қонун лойиҳаларини такомиллаштириш ва қонуннинг амалдаги ижроси мониторингини юритиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Президентимизнинг Мустақилликнинг 35 йиллигига бағишланган нутқида IT, сунъий интеллект ва креатив иқтисодиётни ривожлантириш келгуси тараққиётнинг муҳим омиллари сифатида белгиланди. Ўзбекистон технология соҳаларида жаҳонга илғор ташаббусларни таклиф қиладиган марказга айланиши, ўзбек тили эса рақамли дунёда илм ва технология яратиладиган тил бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Бу вазифалар парламент олдига ҳам янги талабларни қўяди. Қонун ижодкорлиги тобора кўпроқ маълумот, таҳлил ва технологияларга таяниши, қонунларнинг таъсири эса рақамли воситалар орқали баҳоланиши керак.

Парламентнинг янги вазифаси: стратегия ва натижа

Мустақилликнинг 35 йили Ўзбекистон парламентаризмининг шаклланиш, институционаллашиш ва сифат жиҳатдан янгиланиш тарихидир. Бир палатали парламентдан икки палатали тизимга, вакиллик функциясидан таъсирчан парламент назоратига, сифатли қонунлардан уларнинг натижадорлигига, миллий даражадаги фаолиятдан глобал парламент дипломатиясигача бўлган йўл босиб ўтилди. Айниқса, сўнгги ўн йилликда Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги изчил ислоҳотлар бу жараёнга мутлақо янгича мазмун-моҳият, янгича суръат ва шиддат бахш этди. Янги Ўзбекистонда парламент том маънода халқ овозини қонунга, қонунни эса амалий натижага айлантирадиган институт сифатида қарор топди.

2026 йилда янгиланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси натижаларнинг ўлчаниши, мониторингни рақамлаштириш, давлат органларининг масъулияти ва стратегик режалаштириш уйғунлигига эътиборни кучайтирди.

Шу билан бирга Президентимиз мустақилликнинг 35 йиллигига бағишланган нутқида келгуси ўн йилликни миллий юксалиш даври сифатида қайд этиб, инсон қадрини янада юксалтиришга қаратилган еттита миллий дастурни илгари сурди. Улар билим ва малака, соғлом ва узоқ умр, юқори технология ва меҳнат унумдорлигига асосланган иқтисодиёт, сув ва экология, суд мустақиллигини кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлаш, маҳалла тараққиёти ҳамда Ўзбекистоннинг тинчликпарвар ва бағрикенг давлат сифатидаги нуфузини ошириш каби ўзаро боғлиқ муҳим устувор йўналишларни қамраб олади.

Бу вазифалар парламент фаолиятининг мазмунига ҳам бевосита таъсир этади. Келгуси босқичда парламентнинг муҳим роли қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва фуқаролар билан мулоқотни ягона натижадорлик тизимига бирлаштиришда намоён бўлади.

Раҳим ҲАКИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари.

Иқтисодий юксалишдан миллий тараққиёт сари

Янги Тошкентда юртимиз ҳаётидаги энг улуғ ва қутлуғ саналардан бири — Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратайлик!” деган бош ғоя остида кенг нишонланди. Байрам тантаналари халқимизнинг истиқлолга юксак эҳтироми, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси ва келажакка мустаҳкам ишончини яна бир бор ёрқин намоён қилди.

Муносабат

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг тантанали маросимдаги нутқи истиқлолнинг 35 йиллик шарафли тараққиёт йўлини сарҳисоб қилиш билан бирга, мамлакатимизнинг келгуси ўн йилликдаги ривожланиш йўналишларини белгилаб бергани билан алоҳида аҳамият касб этди. Зеро, унда Янги Ўзбекистонни янада юксалтириш, инсон қадри ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган аниқ мақсад ва устувор вазифалар белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, мустақиллик, аввало, бизга шону шарафимизни, она тилимизни, унутилаётган миллий қадриятларимизни қайтариб берди. Истиқлол туфайли биз ўзлигимизни англадик, номи ҳамиша эъзозда бўлган ота-боболаримизнинг муносиб ворислари эканимизни бутун дунёга намоён этдик. Бу тарихий жараён халқимизнинг миллий ўзлигини янада теран англаши, тарихий хотираси ва маънавий илдизларига ҳурматини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Кейинги йиллардаги сиёсий ирода туфайли бугун “Инсон қадри учун” ғояси давлат сиёсатининг марказига олиб чиқилди. Биринчи галда “пахта қуллиги”, мажбурий ва болалар меҳнати, конвертация чеклови ҳамда “прописка” каби одамларни йиллар давомида қийнаб келган муаммоларга барҳам берилди. Асосийси, фуқароларимиз юрагидаги кўрқув ва ҳадик ўрнини ишонч ва хотиржамлик эгаллади.

Президентимиз томонидан узоқни кўзлаб олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон дунёга кенг очилди. Аввало, йиллар давомида долзарб бўлиб келган чегара масалалари ҳал этилиб, қўшни давлатлар билан дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Валюта, солиқ, божхона ва инвестиция сиёсатида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Натижада Иқтисодий эркинлик индексидаги ўрнимизни 80 поғона яхшилаб, “иқтисодиёти мўътадил эркин” давлатлар қаторидан жой олдик.

Кейинги ўн йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлиги сезиларли даражада ошди. Илгари иқтисодиётимизга йилига 2-3 млрд. доллар хорижий инвестиция олиб келинган бўлса, ҳозирги пайтда 40 — 50 млрд. доллар чет эл сармояси жалб қилинмоқда. Юртимизга инвестициялар билан бирга илғор технологиялар, замонавий билим ва янги иқтисодий имкониятлар кириб келяпти.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг изчил ўсиб бораётгани ҳам кейинги ўн йилдаги ислоҳотларнинг муҳим натижаларидан биридир. Уч йил муқаддам 2030 йилга қадар ЯИМни 160 млрд. долларга етказиш мақсади белгиланган эди. Бугун эса жаҳон иқтисодиётидаги мураккаб вазият ва глобал логистикадаги узилишларга қарамай, ушбу маррага шу йилнинг ўзидаёқ ортиғи билан эришилиши кутилмоқда. Бу мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатини сақлаб, тараққиётнинг янги босқичига кўтарилаётганининг яққол далилидир.



Иқтисодиётимизни юқори технологиялар ва меҳнат унумдорлигига асосланган янги моделга ўтказиш эса ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар яратиш ва рақобатбардошликни кучайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, бу замонавий ва юқори малакали иш ўринларини кўпайтириш, аҳоли даромадларини ошириш, мамлакатимизни жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллаши учун янги имкониятлар яратади.

Ана шу мақсадлардан келиб чиқиб, келгуси ўн йилда 450 млрд. доллар хорижий инвестиция жалб этилиши, иқтисодиётда юқори ўсиш суръатини сақлаган ҳолда, 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажми 300 млрд. долларга етказилиши, саноатда 2 миллионта юқори даромадли иш ўрни яратилиши мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан эътиборга молик. Асосийси, улар орқали замонавий ишлаб чиқариш қувватлари кенгаяди, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ҳажми ортиб, янги иш ўринлари яратилади ва аҳолининг турмуш фаровонлиги ошади.

Ёшларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришда стартап, венчур ва сунъий интеллектни ривожлантириш инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш, янги бизнес лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш ва замонавий иш ўринларини яратишга туртки беради. Кичик бизнес — ўрта бизнесга, ўрта корхоналар эса йирик компания ва корпорацияларга айланиши учун яхлит экотизим яратилиши иқтисодиётда рақобатбардошликни кучайтириш, хусусий сектор салоҳиятини ошириш ва миллий компанияларнинг халқаро бозорларга чиқиши учун мустаҳкам замин яратади.

Президентимиз нутқининг энг муҳим жиҳатларидан бири — келгуси ўн йилликнинг “миллий юксалиш даври” сифатида белгилаб берилганидир. Инсон қадрини янада юксалтириш, халқ фаровонлигини ошириш ва мамлакат тараққиётига янги суръат бағишлашга қаратилган 7 та миллий дастур ана шу юксак мақсадларнинг амалий ифодаси. Бу дастурлар алоҳида-алоҳида ташаббуслар эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи, ягона мақсад сари йўналтирилган яхлит тараққиёт тизимидир. Уларнинг ҳар бири инсон манфаати, барқарор ривожланиш ва Янги Ўзбекистоннинг келажак қиёфасини барпо этишдек улуғ мақсадга хизмат қилади.

ЎзЛиДеП учун ҳам иқтисодий эркинлик, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий сектор учун имкониятларни кенгайтириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш каби вазифалар алоҳида аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз нутқида айтилган марралар партиямизнинг иқтисодий тараққиёт, тадбиркорлик ва инсон фаровонлигига қаратилган ғоялари билан ҳамоҳангдир.

Президентимизнинг мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлини чуқур сарҳисоб қилиш билан бирга, Янги Ўзбекистоннинг келгуси ривожланиш йўналишларини белгилаб бергани муҳим дастурий аҳамиятга эга бўлди. Айни пайтда у халқимизни янги марралар сари бирлаштирадиган, бугунги ютуқларни янада мустаҳкамлаб, келажакка ишонч билан интилишга ундайдиган муҳим сиёсий ва маънавий дастур сифатида ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўтган ўттиз беш йил озод Ватанимиз учун том маънодаги уйғониш, тикланиш ва юксалиш даври бўлди. Бугун эса Янги Ўзбекистон олдида янада улуғвор марралар ва катта масъулиятли вазифалар турибди. Белгиланган устувор йўналишлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар ва кўзланган юксак мақсадларнинг барчаси, аввало, инсон манфаати ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Зеро, ҳар қандай тараққиётнинг ҳақиқий мезони — инсон қадри, унинг муносиб ҳаёти ва эртанги кунга мустаҳкам ишончидир. Ана шу эзгу мақсадлар Янги Ўзбекистонни янада қудратли ва фаровон келажак сари етаклайди.

Актам ҲАИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.

Акс садо

ҲАМЖИҲАТ ХАЛҚИМИЗНИНГ МУҲТАШАМ БАЙРАМИ

Мустақиллик халқимизнинг жипслиги ва ҳамжиҳатлигини янада оширадиган энг улуғ, энг азиз байрамга айланганига кечаги тантаналарда яна бир бор гувоҳ бўлдик. Байрам дастуридаги улуғвор ва жўшқин чиқишлар ғурур ва ифтихорни оширди. Янги Тошкент ҳудудида қад ростлаган муҳташам майдонда янграган тарихий фикр ва янги ташаббуслар халқимиз куч-қудрати, бунёдкорлик салоҳиятининг ҳаётий намоёни бўлди.



Давлатимиз раҳбарининг мустақиллигимизнинг 35 йиллик айёмидаги нутқи байрам табригигина эмас, яқин йиллар учун ҳаётий дастур бўлди. Нутқда одамларнинг розилиги, кучли ижтимоий ҳимоя ва инсон қадри энг олий ўринга қўйилди. Бу Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бош мақсади бўлган ижтимоий ҳимоя ва барқарорлик, тенглик тамойиллари бугун мамлакатимизда давлат сиёсатининг бош мезонларидан бирига айланганини яна бир бор қатъий исботлади.

Энг муҳими, келгуси ўн йилликда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилайдиган 7 та миллий дастур эълон қилинди. Ушбу дастурлар партиямиз электорати ва ғояларига айни мувофиқ келади.

Биринчидан, халқимизнинг соғлом бўлиши ва тиббий суғуртани ҳар бир хонадонга киритиш дастури партиямиз йиллар давомида курашиб келаётган “ҳар бир инсон учун сифатли ва бепул тиббиёт” тамойилини ҳаётимизга изчил олиб киради.

Иккинчидан, маҳаллани жамият тараққиётининг асосий буюртмачисига айлантириш ташаббуси маҳаллий бюджет ва лойиҳаларни юқоридан эмас, айнан оддий одамлар, эҳтиёжманд оилаларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб тақсимлаш имконини беради. Бу биз ҳимоя қилаётган ижтимоий тенглик, шунингдек, давлатнинг халқимиз олдидаги масъулиятини янада ошириш ғоялари рўёбининг асл ифодаси бўлади.

Давлатимиз раҳбари 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмини 300 миллиард долларга етказиш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 10 минг доллардан ошириш, саноатда 2 миллионта юқори даромадли иш ўрни яратиш вазифасини қўйди.

Бу рақамлар ортида юз минглаб оилаларнинг фаровонлиги, ёшларимизнинг муносиб иш билан таъминланиши турибди. Иқтисодий ўсиш билан бирга ижтимоий уй-жойлар қурилиши ва ижтимоий хизматлар сифатининг оширилиши Халқ демократик партияси аъзолари ва хайрихоҳлари фаол қўллаб-қувватлайдиган катта қадамдир.

“Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратайлик!”, деган эзгу ғоя атрофида юртдошларимиз, халқимиз жипс экан, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, керак бўлса, сиёсий жиҳатдан ҳам эртага, албатта, янада қудратлироқ бўламиз. Парламентдаги ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз, фаоллар ва фидойиларимиз билан бирга халқимиз манфаатларини ҳимоялаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишга тайёрмиз.

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари.

Покистоннинг «World Tribune Pakistan» нашрида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Парламентлараро Иттифоқ Ёш парламент аъзоларининг XII глобал конференциясига бағишланган мақола эълон қилинди.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 30 август

Аграр соҳадаги ислоҳотлар:

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МИЛЛИЙ СУВЕРЕНИТЕТ ПОЙДЕВОРИ

1 Ушбу тарихий даврда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тубдан ўзгарди. Бу ўзгаришлар, айниқса, Ватанимизнинг иқтисодий устуни — миллионлаб юртдошларимизнинг тирикчилик ҳамда меҳнат манбаи бўлган қишлоқ хўжалиги, аграр соҳада кўзга яққол ташланади. Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ўзининг тубдан ислоҳ қилинган янги қиёфаси, юқори технологик имкониятлари ҳамда жаҳон бозоридаги мустаҳкам ўрни билан фахрланишга тўла ҳақли.

Албатта, ушбу ютуқларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бугунги фаровонлик ва тўкин-сочинлик ортида оғир, машаққатли тарихий йўл, тизимли инқирозлардан чиқиш ҳамда давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси турибди. Босиб ўтилган ушбу 35 йиллик тарихий йўлни тўлиқ англаш учун истиқлол арафасидаги ва ундан кейинги даврларга тизимли назар ташлаш кифоя.

Сўнгги ўн йилликда Президентимиз томонидан қишлоқ хўжалигида туб бурилиш амалга оширилди. Аввало, пахта ҳамда ғалла бўйича давлат буюртмасидан воз кечилди. Ер майдонлари бозор тамойиллари асосида диверсификация қилинди. Экин майдонларининг сезиларли қисми мева-сабзавот, полиз ва озуқа экинлари учун ажратилди. Мамлакат кафолатланган ғалла мустақиллигига эришди. Натижада Ўзбекистон қисқа фурсатда хомашё етказиб берувчи аграр мамлакатдан марказлаштирилган ва замонавий агросаноат мажмуасига эга давлатга айланди.

Кластер тизими — қишлоқ хўжалигининг янги локомотиви

Аграр соҳадаги энг катта институционал ислоҳот, бу — кластер тизимининг жорий этилиши. Илгари фермер етиштирган маҳсулотини паст нархда хомашё сифатида сотган бўлса, бугунги кунда кластерлар орқали “даладан растагача” бўлган тўлиқ қайта ишлаш занжири яратилди. Тўқимачилик ва мева-сабзавотчилик кластерлари хомашёни тайёр, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотга айлантирмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти географик жиҳатдан кенгайиб, дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларига етказиб берилмоқда ва йиллик экспорт ҳажми миллиардлаб долларни ташкил этмоқда. Кластерлар қишлоқ хўжалигига замонавий хорижий технологиялар ва хусусий капитални олиб кирди.

Глобал иқлим ўзгариши, Оролбўйидаги экологик вазият ҳамда Марказий Осиёда сув танқислиги ортиб бораётган шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сув ресурсларидан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ.



Шу маънода, мамлакатимизда сўнгги йилларда сув тежовчи технологияларни жорий этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юз минглаб гектар экин майдонларига томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари ўрнатилди. Минглаб километрли суғориш тармоқлари бетонланиб, сув исрофи кескин қисқартирилди. “Смарт-агро” ҳамда ЖИС технологиялари орқали сув ва ер ресурсларининг ҳисоби аниқ юритиляпти. Бу чора-тадбирлар ҳатто энг сув танқис келган йилларда ҳам ҳосилдорликни сақлаб қолиш ва аҳолини озиқ-овқат билан узилишларсиз таъминлаш имконини бераётир.

Озиқ-овқат хавфсизлиги нафақат маҳсулот мўл-кўллиги, балки аҳолининг унга эга бўлиш молиявий имконияти ҳамдир. Сўнгги йилларда қишлоқ жойларда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида томорқа хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Юз минглаб гектар қисқартирилган пахта майдонлари ёшлар ҳамда камбағал оилаларга деҳқончилик қилиш учун бўлиб берилди. Бу орқали юз минглаб доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди. Ички бозорда нархлар барқарорлиги таъминланди. Қишлоқ аҳолисининг реал даромадлари кескин ошди.

Глобал хатарларга қарши муҳим стратегия

Яқин Шарқдаги геосиёсий инқирозлар, глобал логистика занжирларидаги узилишлар ва жаҳонда озиқ-овқат нархларининг қимматлашиши фонида Ўзбекистон танлаган аграр сиёсат ўзининг қанчалик тўғри эканини исботлади. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) каби нуфузли ташкилотлар эътироф этганидек, Ўзбекистон Марказий Осиёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи марказий агрологистик хабга айланмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини 2 баравар ошириш, экспортни 10 млрд. долларга етказиш ва соҳани тўлиқ рақамлаштириш каби стратегик мақсадлар белгиланган ҳали бу йўналишдаги ютуқларимиз янада юқорилашидан далолат. Демак, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар фақатгина иқтисодий соҳа эмас, балки миллий хавфсизлик ҳамда халқ фаровонлигининг мустаҳкам устуни бўлиб қолади.

Деҳқону фермерларимизнинг ҳалол меҳнати, давлатимизнинг узоқни кўзлаган оқилона сиёсати эвазига бугун юртимиз дастурхони тўкин, бозорларимиз арзон ва арзгуликдир. Мустақиллик берган энг буюк неъматлардан бири ҳам айнан мана шу — ўз ризқ-рўзимизга ўзимиз эгалик қилаётганимиз ва келажакка ишонч билан қараётганимиз.

Соҳада инқилобий ўзгаришлар

Аграр тармоқ ривожи ҳақида гап кетганда, айрим жиҳатларга тўхталиб ўтиш жоиз. Давлатимиз раҳбари ўз вазифасига киришганидан сўнг мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида янги тарихий давр бошланди. Соҳага бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий қилина бошланди.

> *“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини 2 баравар ошириш, экспортни 10 млрд. долларга етказиш ва соҳани тўлиқ рақамлаштириш каби стратегик мақсадлар белгиланган ҳали бу йўналишдаги ютуқларимиз янада юқорилашидан далолат. Демак, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар фақатгина иқтисодий соҳа эмас, балки миллий хавфсизлик ҳамда халқ фаровонлигининг мустаҳкам устуни бўлиб қолади.*

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон тарихида илк бор пахта ва ғалла бўйича давлат буюртмаси — режаси тўлиқ бекор қилинди. Фермерларга ерлардан эркин фойдаланиш, маҳсулотларни ўзлари хоҳлаган харидорларга бозор баҳосида сотиш ҳуқуқи берилди. Ғалла етиштирувчи деҳқонлар учун биржа савдолари тизими жорий этилди. Бу буғдой нархининг бозорда шаклланишини таъминлаб, деҳқонларнинг даромадини бир неча баробар оширди.

Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистонда тизимли равишда болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга бутунлай чек қўйилди. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва “Cotton Campaign” коалицияси Ўзбекистонда мажбурий меҳнат тўлиқ тугатилганини расман тан олди ва ўзбек пахтасига нисбатан жорий этилган глобал бойкотни бекор қилди. Жаҳоннинг энг нуфузли брендлари ва савдо тармоқлари ўзбек тўқимачилик маҳсулотларини чекловларсиз харид қила бошлади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида мутлақо янги иқтисодий тизим — кластер жорий этилди. У хомашё етиштириш, чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот сифатида сотиш занжирини бирлаштиради. Бугунги кунда республикада пахта майдонларининг 100 фоизи кластерлар орқали бошқарилади. Ўзбекистон пахта экспорт қилувчи мамлакатдан, тайёр калава ип, газлама ва кийим-кечак сотувчи давлатга айланди. Ички ишлаб чиқариш қувватлари толани 100 фоиз қайта ишлаш даражасига етди.

Мева-сабзавот ва чорвачилик кластерлари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш ва экспортбоп маҳсулотлар сифатини халқаро стандартларга етказишда муҳим мотор вазифасини ўйнади. Қишлоқ хўжалигига замонавий агротехнологиялар, “ақлли қишлоқ хўжалиги” (smart agriculture) тизимлари, дронлар ва бошқа рақамли ечимлар кириб келмоқда.

Замонавий иссиқхоналар қурилиши мева-сабзавотларни йил давомида етиштириш имкониятини яратди. Хомашёни қайта ишлаш, қадоқлаш, сақлаш ва логистика тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини ошириб, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминламоқда.

Глобал иқлим ўзгариши ва Марказий Осиёдаги сув тақчиллиги муаммоси сувдан фойдаланиш тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этди. Охирги ўн йилда Ўзбекистон бу борада минтақада энг илғор ва фаол позицияни эгаллади.

Замонавий қишлоқ хўжалигини рақамли технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фермерлар билан ишлаш, субсидиялар ажратиш, ер хариталари ва экинлар мониторинги рақамли тизимга ўтказилди. Ерларнинг шўрланиши, экинларнинг ривожланиши ва сув таъминоти ҳолати бўйича назорат космик суратлар ва рақамли таҳлиллар асосида олиб борилмоқда. Президентимизнинг аграр сиёсатида ижтимоий адолат ва аҳоли фаровонлиги бош мезон сифатида белгиланди. Ушбу йўналишда амалга оширилган “ижтимоий ер ислоҳоти” миллионлаб оилаларга янги ҳаёт бағишлади.

Бирламчи мақсад ва устувор вазифалар

Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар, ер ва сув ресурслари тақчиллиги қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ана шундай мураккаб шароитга қарамасдан 2025 йилда пахта, ғалла ва мева-сабзавот етиштириш бўйича янги навларни экиш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳисобига юқори ҳосилдорликка эришилди.

Уч мингдан зиёд миришкор фермерларимиз пахтачиликда ҳосилдорликни ўртача 50 — 60 центнердан, уларнинг 1,5 минг нафари эса 70 центнердан оширгани, ғаллачиликда эса 3,5 мингдан ортиқ тажрибали фермерларимиз ўртача 100 центнердан ҳосил олгани, ҳеч шубҳасиз, ушбу тармоқлар ривожида янги давр бошланаётганидан далолат беради.

Яна бир эътиборга молик жиҳат шундан иборатки, қишлоқ хўжалигида экспорт салоҳиятимиз ортиб бормоқда. Биргина 2025 йилнинг ўзида мева-сабзавотларимиз етказиб берилган давлатлар сони эса 18 тага кўпайиб, 83 тага етди. Ўзбекистон 2030 йилга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини 10 млрд. долларга етказиш, экспорт географиясини яна 100 та давлатга кенгайтиришни мақсад қилган. Юртимизда 9 млн. тонна дон, 3 млн. тоннадан ортиқ пахта, 16 млн. тоннадан зиёд сабзавот ва полиз, 5 млн. тонна мева ва узум, 4 млн. тонна картошка, 15 млн. тоннадан кўп гўшт ва сут, 30 минг тонна пилла етиштирилди.

Албатта, бундай улкан ютуқларга эришишда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ривожига берилаётган юксак эътибор, тармоқда туб таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, ишлаб чиқариш муносабатлари замон талаблари асосида йўлга қўйилаётгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлгани барчамизга яхши маълум.

Қишлоқ хўжалигининг тақдири ва келажаги — бутун мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги. Шу маънода, Юртбошимиз раҳбарлигида аграр соҳа тараққиётига катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, бу озиқ-овқат хавфсизлигининг муҳим кафолати, десак, муболаға бўлмайди.

Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ,
Тошкент давлат аграр университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

Қурултой сайлови муваффақиятли ўтди

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевни бир палатали Қурултой депутатларининг илк сайлови муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади.

Бу ҳақда Ақорда матбуот хизмати маълум қилди.

Туркия етакчиси мазкур тарихий воқеа Қозоғистоннинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожланишига хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан у парламентлараро ҳамкорликни жадаллаштиришни таклиф қилди. Қосим-Жомарт Тоқаев самимий тилаклар, шунингдек, халқаро ташкилотлар таркибидаги туркиялик кузатувчилар миссиясининг фаол иштироки учун Туркия етакчисига миннатдорлик билдирди.

У амалга оширилаётган кўламли ислоҳотлар илғор, замонавий ва адолатли Қозоғистонни барпо этишга қаратилганини урғулади.

Камбағаллик даражаси пасаймоқда

Тожикистонда камбағаллик даражаси 1990 йиллардаги 83 фоиздан 2025 йилда 19 фоизгача пасайди.

Бу ҳақда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Ҳоким Ҳолиқзода “Тожикистон ва мустақилликнинг 35 йили: тинчликни сақлаш тажрибаси, кўп векторли сиёсат ва барқарор ривожланиш” мавзуидаги халқаро конференцияда маълум қилди.

Унинг таъкидлашича, Тожикистон мустақил давлатчиликни шакллантириш йўлидан ўтиб, барқарор ва тараққий этаётган давлатга айланди. Мамлакат шу давр мобайнида сезиларли ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришди. Камбағалликни қисқартириш эса Тожикистоннинг мустақиллик давридаги энг муҳим ижтимоий ютуқларидан бири бўлди.

Мамлакат Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2026 йил июнь ойида ўртача номинал ойлик иш ҳақи 3804,63 сомони (411 доллар)ни ташкил этган. Бу 2025 йил июнь ойдагига нисбатан 21,3 фоиз кўп.

Тинч океанида энг юқори ҳарорат қайд этилди

“Bloomberg” мухбирининг хабар беришича, 22 август куни Тинч океани юзасининг ўртача ҳарорати 21,1 даража Цельсийга етди. Бу — 1979 йилда сунъий йўлдош мониторинги бошланганидан бери қайд этилган энг юқори кўрсаткичдир.

Ерни масофадан зондлаш ва хариталаш бўйича “Copernicus” хизмати мутахассислари рекордни қайд этиш вақтига ҳам эътибор қаратди. Одатда, Тинч океанидаги энг юқори ҳарорат март-апрель ойларида, Жанубий яримшарда ёз тугаганидан кейин кузатилади. Бу йил эса океан суви ҳарорати деярли ҳар куни янги рекордни ўрнатмоқда.

Мутахассислар буни Тинч океанида иссиқликнинг барқарор равишда тўпланиб бораётганининг белгиси сифатида баҳолади. “Бу рекорд Тинч океанига босим ортиб бораётганининг яна бир белгисидир. Океан ҳарорати кўтарилиши билан денгиз экотизимлари ва қирғоқбўйи жамоалари учун хавф ортади”, деди Европа Ўрта масофали об-ҳаво прогнозлари марказининг стратегик режалаштириш директори Саманта Бёрджесс.

Европада кунлар исиб кетди

“The Guardian” нашрида ёзишларича, жорий йил ёзида Европада кузатилган кетма-кет тўртта рекорд даражадаги жазирама тўлқини сабаб камида 35 минг киши вафот этди.

Якуний рақам бундан анча юқори бўлиши мумкин. Август ойидаги ўлимлар ҳозирча тўлиқ ҳисобланмаган. Германия, Франция ва Испаниянинг ўзида жазирама билан боғлиқ ўлимлар 25 мингдан ошган. Германияда 6 апрель — 9 август оралиғида иссиқ ҳаво сабаб тахминан 14 минг киши вафот этгани маълум қилинди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, Европада иссиқ ҳаво билан боғлиқ ўлимлар сўнгги 20 йил ичида 30 фоиздан кўпроққа ошган. Ташкилот иқлим ўзгариши ва аҳолининг қариб бориши сабаб бу кўрсаткич келгусида янада ошиши мумкинлигини билдирган.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ (“Халқ сўзи”) тайёрлади.

Янгиликлар, хабарлар, тафсилотлар

ЭСДАЛИК ТАНГАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган учта эсдалик тангадан иборат коллекцияни муомалага чиқарди.



Тангалар Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиги, тарихий мероси, миллий қадриятлари ва замонавий тараққиёт ғояларини акс эттиради.

Биринчи тангада Мустақиллик монументи ва Давлат байроғи, иккинчисида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Давлат герби, учинчисида эса “35” рақами ҳамда Давлат мадҳиясидан “Оламни маҳлиё айлаган диёр!” сатри тасвирланган.

Тангалар 999,9 асилликдаги олтин ва кумушдан зарб этилган. Ҳар бир танганинг оғирлиги 31,1 грамм, номинал қиймати эса 100 минг сўм. Тангалар 27 августдан бошлаб тижорат банклари филиалларида коллекция тўплами ва алоҳида ҳолда сотувга чиқарилди.

ҚЎШИМЧА ҚАТНОВЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Истиқлол байрами кунларида аҳолининг мамлакат бўйлаб саёҳат қилиши учун темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортида қўшимча қатновлар ташкил этилади.



Тошкент — Хива — Тошкент, Тошкент — Қўнғирот — Тошкент, Тошкент — Шовот — Тошкент, Тошкент — Термиз — Тошкент ва Тошкент — Сариосиё — Тошкент йўналишларидаги поездларга 4 тагача қўшимча вагон уланади.

Қўшимча қатновлар байрамдан икки кун олдин бошланиб, байрамдан кейинги икки кун давом этади. Вилоятлараро йўналишларда қўшимча автобус қатновлари йўлга қўйилади. Тошкентдаги Жанубий темир йўл вокзали ҳудудида вилоятлараро автобуслар учун захира тўхташ жойи ажратилади.

Байрамдан камида икки кун олдин Тошкент — Урганч, Тошкент — Нукус, Тошкент — Бухоро ва Тошкент — Термиз йўналишларида қўшимча авиарейслар амалга оширилади.

«Халқ сўзи».

Бухоро давлат университетида Юсуф Қорабоғий номидаги Озарбайжон маданият маркази фаолияти йўлга қўйилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 19 387 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

ISSN 2010-8788

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.15 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6